

# Янги йилнингиз муборак бўлсин!

**Ушбу сонда:**

**2** Ижтимоий ҳимоя  
НОТИРОНЛАР, ЕТИМ-ЕСИРЛАР  
КЎНГИНИ ОВЛАШ КАТТА САВОБ

**3** ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА  
УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАДБИРЛАРИ

**4** САМИМИЙ  
ҚУТЛОВЛАР

**ЧЕМПИОНЛАР  
ШАРАФИГА**



# ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 1 январ, шанба № 186 (833)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН ЖАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

**Азиз юртдошларим, кадрдонларим!**

Катта ҳаяжон ва орзу-умидлар билан кутайтган Янги йилнингизни келишига санокли дақиқалар қолди.

Барчамизнинг қалбимиз пок ва ёруғ ниётлар билан тўлиб турган мана шу файзли, шукуҳли лаҳзаларда юртимизга кириб келаётган Янги йил билан сиз, азиятларни самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Инсон зоти бор экан, бундай пайтда ўз турмуши, оиласи, Ватани ҳаётида шу ўтган даврда рўй берган воқеаларни, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилади.

Шу маънода тарихга айланиб бораётган 1999 йил мамлакатимиз, халқимиз учун хайрли бўлди. Заҳматқаш ва бунёдкор халқимиз меҳнати туфайли иқтисодий-ижтимоий тараққиётимизда, давлатимизнинг куч-қудратини, халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш йўлида, хонадонларимиз, юртдошларимизнинг турмуши ва рўзгоридан кундалик ҳаётимизнинг барча соҳаларида сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Юртимиз, шаҳар-қишлоқларимиз кундан-кунга обод бўлиб, қиёфаси гўзаллашиб, чирой очиб бормоқда. Замонавий иншоотлар, улкан қурилишлар, янги-янги корхоналар мамлакатимиз салоҳиятини янада кучайтирмоқда.

Олиб бораётган ислохотларимиз самараси ошмоқда, мулкдорлар сафи кенгаймоқда, одамларимизнинг тафаккури ва дунёқарашига, меҳнатга муносабатига салмоқли ўзгаришлар қарор топмоқда.

Ўтиб бораётган йилда ҳам азалий миллий қадриятларимизни тиклаш, буюк аجدларимиз меросини эъзозлаш, маънавий ҳаётимизни юксалтириш борасида кўпгина ижобий ишлар қилинди.

Халқимиз тафаккурининг бебаҳо ёдгорлиги бўлган «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги, мамлакатимизнинг ватанпарвар ва жасур ўғлини Жалолиддин Манғуберди таваллудининг 800 йиллиги тантаналари, улғун болаларимизнинг муқаддас қадимжоларини обод қилиш, уларнинг кутлуғ саналарини нишонлаш эзгу ва савобли ишларимизга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Бизнинг таянчимиз ва суянчимиз, қувончимиз ва гуруримиз бўлган ёш авлодни муносиб ворисларимиз этиб тарбиялашга қаратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасида салмоқли қадим қўйилди.



Биз ўтиб бораётган йилни янги ниёт билан Авлор йили, деб эълон қилган эдик. Биз учун энг азиз, энг муҳаббат бўлган оналаримиз, опа-сингилларимиз, сулуғли қизларимизнинг кадр-қиммати ошириш, уларнинг ҳаётини чарогон эди, оғирини энгил қилишдек хайрли ишларимиз Янги йилда ҳам албатта давом этади.

Бу масала давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб юлаверади.

Азиз дўстларим, биродарларим!  
Ўтган йил юртимизнинг илчлиги ва осойишталиги, беғубор осойишимиз биз учун нақадар бебаҳо эканини биз бор англаш ва кадрлашга даъво этган йил бўлди.

Осуда ҳаётимизга раҳна соғашга ўриниб кўрган, ғаразли ва мудҳиш ақсадларини амалга ошириш учун хуруж қилган, ёвуқлар ўзининг қора ниятига етмади.

Халқимизнинг келажакки - тананган йўлимизнинг тўғрилигига, зин ва овозда ҳаёт қуриш, Ватанимизни обод қилиш адо-

латли фуқаролик жамияти барпо этишдек олиғ мақсадимизга бўлган ишончи янада ортди.

Одамларимизнинг мана шундай олиғаноб умид ва ниётлари қатъийлигини Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар яққол тасдиқлади.

Халқимизнинг ана шу азму қарорини, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларга ишончини мен шу кунларда барча вилоятларимизда бўлиб, муҳтарам юртдошларим билан учрашганимда яна бир бор ҳис этдим. Кадрли дўстлар!

Ватанимиз XXI асрга интилоқда, халқимиз яқин ва узоқ қўшилларимиз билан ҳамжиҳатликда муносиб ва фаровон ҳаёт қуриш, юртимизда тинчлик, барқарорлик ва осойишталиқни янада мустаҳкамлашни ўз олдига энг улғун мақсад қилиб қўймоқда.

Янги йилни биз Соғлом авлод йили, деб эълон қилдик.

Бунинг негизидан, аввало, миллатимиз ва халқимиз истиқболлини, барчамизнинг, мана шу муқаддас юртда яшаётган ҳар бир инсон ва ҳар қайси оиланинг орзу-умидларини кўрамиз.

Бунинг замирида буюк мақсадларимизнинг асосий шартли бўлиши ўсиб келаётган ўғил-қизларимизни ҳар томонлама соғлом қилиб улғайтириш, замонавий билимга, ўз мустақил фикрига эга бўлган, иймон-эътиқодли авлодни вояга етказиш каби эзгу ҳаракатларни кўришимиз даркор.

Мен мана шу ҳаяжонли дақиқаларда бир ҳақиқатни такроран айтмоқчиман: бугун қилаётган барча эзгу ишларимизнинг асосий мақсади - Ватанимизнинг озодлиги, кўп миллатли халқимизнинг омонлиги, юртимизнинг равақли, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оила ва инсоннинг бахт-саодатидир.

Муҳтарам ватандошларим!  
Янги йилда ҳаммагизга сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, хонадонларингизга кут-баракат, тўкин-сочинлик тилайман.

Янги - 2000 йилнинг қадами кутлуғ, саодатли келсин! Кўнглингиздан кечаётган жамики эзгу орзу-умидларингиз рўёбга чиқсин!

**Янги йил барчамизга муборак бўлсин!**

**Ислам КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## ИСЛОМ КАРИМОВ - АСР ИНСОНИ

Жаҳон ахборот агентликлари тарқатган хабарга кўра, Би-би-си жаҳон хизмати ўзбек бўлими шу йилнинг октябр ойида ўз мухлислари орасида Ўзбекистоннинг XX аср инсонини аниқлаш бўйича сўров ўтказган. Ушбу сўров шартларига кўра Би-би-си эшитувчилари ўтаётган асрда Ўзбекистон тарихида, ўзбек халқи тараққиётида юксак ўрин тутган шахсни аниқлашлари керак эди. Би-би-си жаҳон хизмати бугун эълон қилган сўров якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Аср инсони» деб топилган.

Бу Ўзбекистон Мустақиллигининг асосчиси, ўзбек миллий давлатчилиги,

миллий иқтисодиёти пойдеворининг бунёдкори, миллий, тарихий, маданий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш ишларининг ташаббускори ва раҳнамоси, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ва ўзига мос ўринни эгаллашда, ўзбек номини бутун дунёга бунёдкор, маърифатпарвар, тараққиётпарвар, бағри кенг халқ сифатида танитишда жонбозлик ва қатъийлик кўрсатиб келаётган Ислам Каримовнинг фаолияти ва хизматлари яна бир бор жаҳон миқёсида эътироф этилганидан даволатдир.

ЎЗА - «Жаҳон»

## ЎЗБЕКНИНГ ТОЛЕИ БАЛАНД

*Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин!*

*Яна насиб этди йил ошиб ўтмоқ.*

*Йил бўйи кўнглимлар қувонгча тўлсин,*

*Ва ёғсин нурафшон ниётлар оппоқ.*

*Оламни қопласин эзгулик бўйи,*

*Қолмасин ҳеч кимнинг кўнгли ҳеч кимдан.*

*Иқбол шаробидан симириш тўйиб*

*Кимнингки қалбида мустаҳо Ватан!*

*Ўзбекнинг толеи азалдан баланд,*

*Босган қадамида тарихий муҳр.*

*Ҳатто унга қисмат берганида панд*

*Мардонавор энгиб ўтгандир. Шукр.*

*Гуссаю ташвишининг заволи маълум,*

*Хўрлигу зўрлик ҳам бошга кўп тушган.*

*Асога жон ато этолган элим,*

*Ҳар қандай жафого ашаддий душман.*

*Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин,*

*Бугун биз озодимиз, хурмиз, бахтиёр.*

*Иқбол шаробидан қадаҳлар тўлсин,*

*Янги йил муборак, фараҳбахш диёр!*

**Зайниддин РИХСИЕВ**

## Борис Ельцин истеъфо берди

Россия Президенти Борис Ельцин муддатидан олдин истеъфого кетганини эълон қилди. Жума кунини Россия жамоатчилик телевидениеси орқали берган баёнотида Б.Ельцин мамлакат фуқароларига юзланиб, жумладан, бундай деди: «Бугун мен сизларни сўнги бор янги йил билан қутламоқдаман. Лекин бу ҳаммаси эмас. Бугун Россия Президенти сифатида ҳам сизларга сўнги бор мурожаат этмоқдаман. Мен шундай қарорга келдим. Уни қабул қилишдан аввал анча узоқ ўйладим. Бугун, тугаётган асрнинг сўнги кунини мен истеъфого чиқаяман».

Ушбу хабар кетидан яна шу маълум қилиндики, Президент ваколатини Бош вазир Владимир Путин қабул қилиб олди. Россия конституциясига биноан, Президент муддатидан аввал лавозимидан кетса, уч ой ичида сайлов ўтказилиши керак. Янги Президент сайлови 26 март кунини бўлиб ўтади.

Б.Ельцин раҳбарлик даврида йўл қўйган хатлари учун россияликлардан кечирим сўради. «Амалга ошмай қолган орзуларингиз ва оқланмаган умидларингиз учун сизлардан кечирим сўрайман», - деди Б.Ельцин. Унинг таъкидлашича, бундан-бўғига раҳбарликни давом эттиришдан маъно йўқ, зеро, ярим йил илгарий халқнинг ишончини қозонган Владимир Путин Президент ваколатини қабул қилишга тайёр. Президент қароридан хабар топан В.Путин ўзининг Санкт-Петербургга режалаштирган сафарини қолдирди.

Кузатувчиларнинг фикрича, ҳокимиятнинг қутилмаганидан кўндал-кўндал ўтиши яхши ўйланган стратегик амалдир. Чеченистонда давом этган тўрт ойлик кампания Россиянинг янги ҳукумати, биринчи навбатда, Бош вазир В.Путиннинг халқ орасидаги обрўи мисли қилмаган даражада ошишига сабаб бўлди. Яқинда бўлиб ўтган сайлов ҳам Кремль ва Оқ уйга сўнги беш йил ичида илк бор муҳолиф эмас, илгарийларга нисбатан хайрихоҳроқ парламентни таркибга келтирди.

**Муҳаббат  
ЎРМОНБЕКОВА,  
«Ишонч»нинг  
махсус мухбири.**

(ЎЗА).

## ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

**У меҳ ва саҳоват ифодасидир**

**Шаҳримизнинг Халқлар дўстлиги майдони бугун байрам либосларини кийган. Кўзни қамаштирувчи, биллурдек товланаётган чироклар билан безанган теваарак-атроф барчанинг кайфиятига кўтаринлик бахш этади. Улкан арчани айтмайсизми. Осмону фалакдаги «Уچار шар», «Кўён», «Йўлбарс», «Туя» каби ўйинчоқлар болажонларни янги йил байрамига чорламоқда. Бу ўзгача таралдуқ боиси шукки «Халқлар дўстлиги» саройида аънанавий «Президент арчаси» тантаналари ўтказилмоқда.**

Муҳташам саройнинг кўрки ўзгача. У қувноқ болажонлар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум. Кираверишга ўрнатилган яшил арча гўзал ва жозибали. Шодиёналарга келатган кичкинтой қалбларнинг қувончдан порлаган чеҳраларидан нур ёғади. Улар учун йил бўйи орзиқиб кутилган байрам - «Янги йил» шодиёнасини Республика Президенти ўтказиб бермоқда.

Арчадон атрофида ажойиб саргузаштларни кўрсатаётган Қорқобо, Қорқиз, турли эртақ қаҳрамонлари доно, топқир, зеҳни ўткир, билимдон болажонлар-

га совғалар ҳадя қилинмоқдалар. Уларнинг қийимлари шу даражада ажойиб ва яхши танланганки, катталар ҳам ўзларини эртақ оламига тушиб қолгандай ҳис қиладилар.

Пойтахтимизда истиқомат қилувчи Манпарат Мўминова исмли онахон Президент арчаси байрамига набиранларини олиб келибдилар. Онахон хурсандликларидан шундай дедилар:

«Юртбошимиз каттаю кичикка бир хил эътибор кўрсатмоқдалар. У кишининг ҳар йили янги йил шодиёналарини ўз ташаббуслари билан мана шундай «шоҳона» ташкил қилиб беришлари, айниқса, байрамга

Меҳрибонлик уйлрининг тарбияланувчилари, кўп болли, кам таъминланган оилалар фарзандларининг тахлиф қилиши одамларга бқиёс бўлган меҳроқибатларидан далолатдир. Президент арчаси саҳоват, меҳрумурувват ифодасидир».

Дарҳақиқат Президент арчаси шодиёналарига асосан Меҳрибонлик уйлариининг болажонлари, кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг ёрдамга муҳтож фарзандлари тахлиф қилинганлар. Ушбу тантананага ажойиб совғалар тайёрланган. Фарзандларимизнинг ҳар бирига Президентимиз номидан табрикнома йўлланиб, унда ушбу сатрлар битилган:

**Азиз Фарзандим!  
Сизни кириб келатган Янги йил илан муборакбод қилган.**

**Ислам Каримов**  
Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Республикаимизнинг барча вилоят ва туманларига етим болалар учун 10 мингдан ортиқ, пойтахтнинг ўзида 6 мингдан зиёд президент совғалари эрилди. Шунингдек, йилги шодиёналар Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё вилоятлик ичкиф қилинганлар. Байрамнинг ўзига хос томони шундаки, тадбир XXI аср болаларини остида ўтказилмоқда. Президент арчаси тадбирининг асосий оғиллари Тошкент

шаҳар ҳокимияти, Ўзбекистон Миллий банки, Асака банк, Пахта банк, Саноат қурилиш банки, Ўзбекистон Хаво йўллари авиакомпанияси, Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Республика «Камолот» жамғармаларидир. Бундан ташқари ушбу тадбир учун «DAEWOO» маркази шунинг компанияси ва «Ўзметкомбинат» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳар бири маблағ ажратдилар. Байрамга яна 50 дан ортиқ ҳомий ташкилотлар ўз улушларини қўшдилар. Ҳеч бир байрам йўқки, санъаткорлар сиз ўтса. Арча атрофидаги ўйин-кулгилардан сўнг болажонлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ма-



# 2000 йил — Соғлом авлод йили

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тадбирлари: МЕХРИБОНЛИК УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ ТАНТАНАЛАРИДА

## Қишки таътил мароқли ўтади

Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларини кўнглили ўтказиш мақсадида шаҳар ҳоқими қарорига биноан Тошкент Давлат циркида умумшаҳар Янги йил арча байрами томошалари уюштирилмоқда. Унинг чипталарини ҳар бир меҳнат жамоаси мустақил равишда касабаси уюшма бюджетидан маблағлари ва хўжалик ташкилотлари маблағлари ҳисобидан сотиб олмақдалар. «Циркда Янги йил байрами» деб номланган томошалар ўтган йилнинг 25 декабрдан 2000 йилнинг 10 январигача ҳар куни тўрт соғандан ўтказилмоқда ва унда 160 минг нафар мактаб ўқувчиларига хизмат кўрсатиш режалаштирилган.

«Акциядорлик жамиятининг «Камалак», «Маишхизмат» акциядорлик жамиятининг «Меҳржон» ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармаси «Се-

Қаерда болаларнинг шўх-шодон кулгиси-ю қувончга йўғрилган овози эшитилса, ўша ер файз барокотга бурканади, — деган экан машойхлар. Тошкентдаги «Нур» кафесидида чиройли қилиб безатилган янги йил арчаси атрофида шаҳардаги 24-сонли «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ўйнаб қувнашди. Катта арча байрами Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган бўлиб, анжуманда болаларга кийим-кечаклар ҳамда совғалар улашилди.

Байрам совғаларини Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова топширди ва болаларга ўқишларида, ҳаётларида доимо муваффақиятлар ёр бўлишини тилади. Янги йил арчаси атрофида катта концерт дастури намойиш қилинди. Мана шундай хайрия, меҳр-шафқат тадбирлари касабаси уюшмалари куйи ташкилотлари томонидан республикамизнинг барча жойларида ўтказилмоқда.

## УЛАР БИЗНИНГ БАХТИМИЗ

Келажагимиз қандай бўлиши, аввало ўзимизга, маънавиятимизнинг баркамоллиги-ю, ёшларимиз тарбиясига боғлиқ. Бу биз - касабаси уюшмалари ходимлари зиммасига ҳам катта

масъулият юклайди. Янги йил ва ўқувчилар таътили муносабати билан кўмитамиз ташкилотлар, корхона ва муассасалар, хўжаликлар ҳамкорлигида хайрли тадбирларни бошлаб юборди. Чунончи, бюджет ҳисобидан уч миллион 700 минг сўмлик, хўжаликлар ҳисобидан эса 40 миллион 307 минг сўмлик байрам совғалари кам таъминланган оилаларга, ногирон ва меҳнат фахрийларига, болажонларга улашилди.

Умуман шу кунгача 1276 та ташкилот ва муассасаларда бевосита касабаси уюшмалари ташаббуси билан Янги йил арча байрами бўлиб ўтди. Болажонлар қувончини бир кўрсангиз! Мавжуд хўжаликлар касабаси уюшмалари мутасаддилари ҳам байрам муносабати билан ўз худудларидида мактаб ўқувчиларини турли дам олиш масканларига юбормоқдалар. Бундай имкониятларнинг барчаси албатта, истиқлол шуқуҳи, ҳукуматимизнинг келажакка бўлган эътиборидандир.

**Неъмат БОТИРОВ,**  
Наманган вилояти касабаси уюшмалари Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудир.

## ҚУВОНЧ УЛАШТАН КУН



Мамлакатимизда байрамона руҳ ҳукмрон. Айниса, болажонлар қувончи чексиз. Улар, одатдагидек янги йил байрамини орзиқиб кутдилар. Севимли Қорбобо ва Қорқиз иштирокида ўтадиган арча байрамлари, турли томошалар улар қалбига оламоллам завқ бағишлайди.

Шундай байрамлардан бири яқинда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улугбек туманида жойлашган «Нур» кафесидида бўлиб ўтди. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ташкил этган бу байрамда С.Раҳимов туманидаги 24-меҳрибонлик уйининг болажонлари иштирок этишди.

Замонавий бино байрам либосида. Уртада кўзни қамаштирувчи ўйноқлар билан безатилган кўм-кў



арча. Эшик оғалари - пахмоқ «айқопловон» ва опникса, болажонлар қувончи салом бериб кутиб олишмоқда. Шу пайт Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам келиб қолишди. Уларни ичкарида эртак қахрамонлари — «бўривой», «тулқивой», «Қарабас-барабас» ва бошқалар кутиб олишди. Театрлаштирилган байрам томошалари бошланиб кетди. Мирзо Улугбек туман таълим маркази бадиий ҳаваскорлари иштирокидаги томошаларда болажонларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этишди. — топишмоқларга жавоб топишди, янги йил, арча ҳақида ажойиб шеърлар айтишди, эртак қахрамонлари билан шўх мусиқа сандолари остида мириқиб



рақсга тушишди. Шодиёна кунда зарқозлар билан безатилган совғалар кутар эди болажонларни. Уларни Ўзбекистон касабаси уюшмалари



Федерацияси Кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова топширди. — Азиз болажонлар, — деди Дилбар опа. — Сизлардаги шодонликни, бе-

губорликни кўриб барчамиз болалик оламининг сирли сарҳалларида анча ёшариб турибмиз. Сизлар хурматли Йўлбошчимиз Исрол Каримов айтганларидек, биздан кўра кучлироқ, ақлироқ ва албатта бахтлироқ бўласизлар. Бирин кетин совға олаётган жажжиларнинг қувончи, ҳис-ҳаяжонини таърифлашга сўз ожиз... 29 декабрдан барча ерда арча байрамлари бошланиб кетди. Касабаси уюшмалари айниқса, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун совға-саломлар улашишга кўпроқ эътибор бермоқдалар. Бу савобли ишга хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам жалб

## Кўнгишлар чароғон

Бир неча кун аввал Янги йил арча байрамини кўнгишлардагидек ўтказиш борасида дастур қабул қилинганди. Ана шу дастурга кўра жойларда арча байрами кўнгишлардагидек ўтмоқда.

«Соғлом авлод учун» давлат дастурини амалга ошириш, ўқувчиларнинг қишки таътилин мазмунли ўтказиш борасида ҳам талай режалар ишлаб чиқилган. Болалар ўн кун давомида вилоятдаги Оғахий номли мусиқали драма ва комедия театри биносида қад ростлаган арча атрофида турли чиқишлар уюштирилади, ҳофизлару санъаткорлар ижро этган куй ва рақслардан баҳраманд бўлишади. Шунингдек, етти минг нафардан зиёд ўқувчи Хива, Урганч, Бухоро каби шаҳарларни бориб кўриш, қадимий ёдгорликлардан баҳраманд бўлиш учун бепул йўлланмага эга бўлишди.

Байрам дастурида вилоятдаги кам таъминланган, кўп болали оилалар ҳамда «Меҳрибонлик уйлари»да тарбия топаётганлар ҳол-аҳволдан хабардор бўлиш, уларга совға-саломлар улашиш ҳам режалаштирилган ва касабаси уюшмаси жамоасидан маҳсул гурӯҳ тузилган. Айни пайтда улар жойларда, маҳаллаларда бўлишиб, хайрли тадбирларни ўтказишапти.

Э. ЭРКИНОВ.

мур» стационлар болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизда шаҳар меҳнаткашлари фарзандларидан 800 нафарига мўлжалланган қишки оромгоҳлар ташкил этилди.

Мазкур оромгоҳларда ўқув машғулларини ўтказиш ва дам олдирish мақсадида 100 нафар болалар ва ўсимирлар спорт мактабларининг ўқувчиларига имтиёзли равишда йўлланмалар ажратилди.

Ўзтелеерадио компанияси ҳам ўз ҳисобидан Бўстонлик туманида жойлашган ўзининг «Оқтош» дам олиш уйида мактаб таътили кунларида 120 нафар болаларнинг дам олишини режалаштирган.

Уйлаймишди, Янги йил байрамини унда иштирок этган ҳар бир болажон қалбидида унутилмас таассурот қолдиради, уларда истиқлол берган неъматларни қадрлаш, Ватанга садоқат туйғусининг шаклланишига хизмат қилади.

**Мирзохид СОДИҚОВ,**  
Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши раиси.

## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ШУҚУҲ

Қамаши туманидаги «Меҳрибонлик уйи»да кўп бор бўлган. Илгарилари бу жойни «Детдом» деб аташарди. Биноси ўзидан, номи эса ундан-да бефайз, кўрimsиз бўлиб, касабаси уюшмаси мутасаддиларини кўйялиги, хатто оддий йўловчи ҳам унинг ёнидан ўтишни ўзига эп билмас, ўтганда ҳам тескари қараб ўтарди. Бу ерда кимлар тарбия топаяпти, уларнинг ҳол-аҳволи қандай кечмоқда, бу каби масалалар ҳеч кимни қизиқтирмасди.

Шуқри, истиқлол берган эпкинлар туфайли қалби ўқсик болажонлар камол топаётган ана шундай масалалар ҳукуматимизнинг, Президентимизнинг, халқимизнинг доимий эътиборида. Янги йил арафасида туман «Меҳрибонлик уйи»да бўлганимизда, гапнинг рост, кўзларимизга ишонмадик. Утмишдаги ҳолатдан асар ҳам қолмаган, у ободонлашиб, бинолар таъмирланган, янгилари қурилган, энг муҳими, болажонлар мустақкам ижтимоий муҳофазатга олинган эди.

Дарвоқе, шу куни «Меҳрибонлик уйи» жамоаси касабаси уюшмалари вилоят Кенгаши ходимлари, маҳалла ва ташкилотлардан келган вакилларнинг фаол иштирокида, Янги йил байрамини ўтказишгаётган экан.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

## «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг меҳнатсевар халқини қутлуғ - 2000 йил ҳамда муборак Рамазон Байрами билан чин қалбдан қутлайди Ва самимий саломини йўллайди.

2000 йил мамлакатимизда улкан таваққуёт йили бўлишига ишончимиз комил. Бу мамлакатнинг бутун ер кўррасида шухрати янада ошадди. Аллоҳ, тасоло бу серкўйи юртга сазоват кўрларини беҳад ёддирган экан, ана шу заминни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин!



Касабаси уюшмалари Навоий вилояти Кенгаши ташаббуси билан Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»да ўтказилган Янги йил Арча байрами ҳеч бир чакириқларсиз, қоғозларда битилган маърузаларсиз, аввалдан тайёрланган ширю, кимларгадир кўз-кўз қилиш учун тантана маросими йўсинисиз, аммо шинам, файзли ва болажонлар

## АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

қалбига илҳом бағишловчи, улар руҳини бир муддат бўлса-да, тетикловчи, қувонч улашуви тарзида ўтганлиги билан киши диққатини тортади.

Вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши жамоаси бу ерда тарбияланаётган 105 нафар болага 130 минг сўмлик Янги йил совғаси улашди. Ташкилотлар касабаси уюшмалари ҳам қараб туришмади: болаларга эсдалиқ совғалари, тарбиячиларга эса пул мукофотлари тақдим этилди. Шулар қаторида болажонларга киши таътилда Самарқанд, Бухоро каби қадимий шаҳарларни зийрат қилиб келиш учун текин йўлланмалар берилди.

**Матлуба ОЛМОСОВА,**  
Навоий вилояти касабаси уюшмалари Кенгаши маданият ва спорт бўлими мудир.

# 2000 йил - «Соғлом авлод йили»

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси

барча ватандошларимизни ва касаба уюшмалари аъзоларини 2000 йил билан самимий табриклайди.

*Азиз Ватанимиз - ҳур Ўзбекистонни  
гўллаб - яшатиш йўлидаги  
сағй - ҳаракатларингиз  
баракали, кайфиятингиз  
аъло бўлсин!*



## САДАФ СОЧИБ АТРОФГА

Опоқ шоҳи либоси,  
Йўқдир унинг қибси.  
Дилга ором бахш этар,  
Салқин қишнинг ҳавоси.



Зарралардан яралган,  
Оқ чойшабга ўралган.  
Садаф сочиб атрофга,  
Ял-ял ёниб нурланган.


Тўрт фаслнинг бирисан,  
Хуш саболи, зўрисан.  
Баҳор, ёз, куз сафида,  
Ярқираган дурисан.



Қорбўронлар ўйнатган,  
Завқлангирган, қувнатган.  
Нурга бурқаб атрофни,  
Ўз мадҳини куйлатган.

Оқ пўстинли, оппоқ қиш,  
Завқ берар сенга боқиб.  
Дилга илҳом бахш этдинг,  
Таърифингга кўп олқиб.

Садоқат ФАЙЗИЕВА



## Барчангизни қутлуғ Янги йилингиз билан!

### ЗУЛФИЯ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

Мамлакатимизда янги таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ўқишда, жамоат ишларида алоҳида намуна бўлаётган қобилиятли ижодкор ўқувчи қизлар, изланувчан талабалар ҳамда ўқитувчиларга берилди. Ана шу нуфузли мукофотга илк бор номзодлар кўрсатилди.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ҳузуридаги республика комиссиясига таълим, фан, маданият, адабиёт, санъат йўналишлари бўйича тавсия этилган номзодлар сони 70 нафар иқтидорли ёшларни ташкил этди. Биргина таълим йўналиши бўйича кўрсатилган номзодлар орасида республикамизнинг деярли барча вилоятларидан вакиллар бор.

Чунончи, Бухоро Давлат университети ҳузуридаги ихтисослашган лицей ўқувчиси С.Турсунова, Наманган муҳандислик-педагогика институти талабаси М.Каримова, Андижон вилоятининг Избосған туманидаги 6-гимназия ўқитувчиси Ж.Сотқиновалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари республика ёшлар «Камолот» жамғармаси Зулфия номидаги Давлат мукофотига Тошкент Давлат аграр университети талабаси М.Ахмаджонова, Фарғона туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси Н.Қосимовани тавсия этди.

Хар шанба «Юлдузлар башорати» босиладиган газетани олмай қўймайман. «Микозим мендан айниб қолмасин» деган ўйда сотувчи амаки ҳам жила бўлмаса битта газетани уйдан тушлик солиб келадиган тўрва-халтасига яшириб қўяди. Бу гал ҳам салом-алик, «хорма — бор бўлдан кейин у менга атаганини узатди. Олдим «Қорва» деган сўз билан бошланганидан сатрларга тез кўз югуртирдим. Ҳўқиялману пешонамда муздек бир нарса ўрмалаётгандек бўлади. Сабаби — унда «Шу бурж остида турганларнинг чоршанба кунини умр йўлдошлари билан қаттиқ хафлашиб қолдилар» дейилганди. Нохуш хабардан юрагим така-панда эди. Бу бежиз эмасди. Чунки эсимни танибманки, башоратда нима дейилган бўлса худди шу нарсалар ҳатто нуқта-вергулигача тўла вожиб бўлиб келган.

Чоршанбага-ча буладиган «жанг» ни ўйлайвериб бир энлик этдан тушдим-ов. Қандоқ қилай: бировга ёрилиб, губордан чиқай десам бунга ориятим йўл бермайди, чунки оилавий сири оғиздан гуллаб қўйиш йигит кишига хайф-да! Уйлаб-уйлаб калаванинг бир учини топагандек бўлдим, яъни жанжалдан қочибнинг энг осон йўли — шу кунини хизмат сафарига жўнаб қолиш...

Бошлигимиздан рухсат олишга кирсам у рангли журнални варақлаб ўтирган экан. Муддаомни эшитди-ю, лабига учқу тошиб кетди:  
— Бунинг сираям иложи йўқ, укажон. — Сабаби мен сизни ўз жигаримдек қадрлайман.  
— Тушунмадим...  
— Манавини ўқиб кўринг, - у бармоғини журналнинг бир чеккасига ниқтади, - бир зумда тушуниб оласиз.

Остига қалин қора чирик тортил-

келиш учун хаёлимда барча тайёр-гарликларни кўриб, уйга ғазабнок кириб бордим. Остонадан бир қадам ўтишим билан ошхонадан димокни қитқилочки бир худди туйдим. Қорним пивэнинг пўсти бўлиб кетганидан сархуш бўла ёздим. Лекин сир бой берадиган аҳмоқ йўқ.  
— Нима овақт? - овозга зўр бердим.  
— Иложи бўлса сал секинроқ дардаси, неварангизни энди бешикка белагадидик...

### ТҮТ ЕЙМАН ДЕБ ТЕРАККА ЧИҚИБМАН

«Ҳажвия»

ган сатрларни ўқий бошлайман: «Ушбу ҳафтанинг чоршанба кунини хаф-хатарга бой бўлгани учун сайр, сафарга чиқишингизни маслаҳат бермайман».

— Ахир...  
— Айтилган сўз — отилган ўқ, гап тамом-вассалом!

На чора, бир юришмаган омад ўз ортидан яна қандайдир кўнгил-сизликларни эргаштириб юрар экан. Хуллас, бўлажак «олишув»да голиб

— Гапни чалғитма, биздек бўлгунча ҳали у кўп ўхлайди... Нима овақт, деб сўраяман сендан, нодон.  
— Бехили ош қилаялман — ўзингиз суйган овақт.  
— Нимага булун ош бўларкан, ахир, пайшанба эртага-ку. Сен мени калака қилиш учун жўрттага шундай гапларни тўқиялсан.

— Дадажониси, ахир, Дилнозанигиз шу ерда, ҳадемай куёвингиз — Суннатилла ҳам келиб қолади. Ўзин-

гиз ҳар кун қайта-қайта тайинланганингиздай: умрингдан бир кун қолсам ош е, бир соат қолсам-ям...  
— Нима, нима, умрингдан бир соат қолсам, деган гапинг билан бир соатдан кейин уласиз, демокчимисан? Э, отангнинг арвойи...  
— Дадажониси... Сизга нима бўлди? Майли, ҳамма айб менда... Фақат асабингизни эҳтиёт қилинг, ўғиниб сўрайман...

Хуллас, мен талага чиқсам у дастда юрар, кўзларимни косасидан чиқарсам жилмаяр, у тушунмайдиган тилда қойсам илтижо қиларди. Тўлқин қояга урилган сайин қуввати пасайганидек, Салиманнинг пўстагини қоққан сарим силма кўриб бораётганини сезардим. Нима қилса ҳамки, одам боласи барибир жахлидан тушар, алаҳимдан чиқиб бирам енгил тортар-қанки...

Кечки дастурхон теварагида ҳаммамиз жамул-жам эдик. Нева-рам қуқирлаб, атрофдагиларга бир олам қувонч улашарди. Фақат мен тут ейман деб теракка чиққан кишининг аҳолига тушиб ўтирар, ҳаёлимда эса мустаҳкам оилани ҳеч қандай башорат, ҳеч қандай кун дарза кеткиса олмаслигига иймон келтирардим.

Уста НАБИ

### Қутлаймиз!

Ҳурматли Отажонимиз  
Илёс Мирвоҳидов!

Сизни таваллуд айёмингиз ҳамда Янги 2000 йил билан самимий муборакбод этамиз.

Шу қутлуғ, муборак кунларда Яратгандан Сизга узоқ-умр, бахт-саодат, толе ёр бўлишини сўраймиз. Мўътабар юртимизда тинчлик-осойишталик ҳамisha барқарор бўлсин!

Фарзандларингиз.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78,  
136-58-45; Хатлар бўлими  
56-85-43; Реклама, эълонлар  
бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан  
чиқа бошлаган

Маъзилмас: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Согулда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт — матбаа концерни  
босмаҳонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш  
вақти - 21.00